Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 64 (7. 153) ◉ 1990 йил 19 март, душанба ◉ Баҳоси 3 тийин

**Бугун Тошкентда, В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ходимлари қурултойи бўлиб ўтмоқда**



⊙ ТАЪМИРЛОВЧИ. 10-автомобилларни созлаш заводининг ишчиси Абдуҳамид Абдураҳимов. Т. Каримов сурати.

# Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1990 йил 16 мартда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирди. Пленумда КПСС Уставининг лойиҳаси ва кун тартибидаги бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Пленум ишида шаҳар, район, баъзи бошланғич партия ташкилотлари партия комитетларининг секретарлари, шунингдек, КПССдан СССР халқ депутатлари қатнашдилар.

Музокараларда СССР Олий Совети Экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комитетининг раиси Қ. Саликов, Қарағанда металлургия комбинатининг пўлат қуювчиси К. З. Ромазанов, Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари А. С. Мякота, Тюмень области КПСС Ханти-Мансилар округ комитетининг биринчи секретари В. А. Чурилов, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи А. Д. Лизичев, КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари М. Ш. Шаймиев, «Ижевск» механика заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Г. В. Сивец, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий Фанлар академиясининг ректори Р. Г. Яновский, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. А. Назарбоев, Москва шаҳар Ворошилов район партия комитетининг биринчи секретари А. И. Земсков, Донецк область Макеевка шаҳридаги «Советская» шахтаси партия комитетининг секретари С. В. Рафаилов, Иркутск политехника институти партия комитетининг секретари Б. Б. Пономарев, Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) муваққат Марказий Комитетининг биринчи секретари М. М. Бурокявичус, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Н. Зайков, Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари С. И. Гуренко, Москва Олий партия мактаби партия комитетининг секретари В. И. Митрохин, КПСС Тува область комитетининг биринчи секретари Г. Ч. Ширшин, Куйбишев авиация заводининг йиғувчи слесари Г. И. Ануфриев, КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари Б. М. Володин, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьев, Минск соатсозлик заводи партия комитетининг секретари В. В. Чикин, Украина Компартияси Черкасси область комитетининг биринчи секретари А. А. Ружицкий, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Ниёзов, Москва область, Жуковский шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ю. Н. Шогин сўзга чиқдилар.

КПСС Устави лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш ва Марказий Комитет Пленумининг бошқа ҳужжатларини тайёрлаш таҳрир комиссиясидан Г. П. Разумовский сўзга чиқди.

Пленум «КПССнинг XXVIII съездини чақириш, партияда ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш муддатлари, вакиллик нормаси ва съезд делегатларини сайлаш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилди.

Пленум тушган мулоҳазаларни ва бўлиб ўтган муҳокамани эътиборга олиб, КПСС Устави лойиҳасини пишиқ-пухта ишлаб чиқишни таҳрир ҳайъати билан Марказий Комитет Сиёсий бюросига топширди (лойиҳа матбуотда эълон қилинади).

Пленумда Россия партия конференциясини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пленум КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом лойиҳасини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тугаллади.

*КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1990 йил 16 мартдаги қарори*

## КПСС XXVIII съездини чақириш, партияда ҳисобот-сайлов кампаниясининг ўтказиш муддатлари, вакиллик нормаси ва съезд делегатларини сайлаш тартиби тўғрисида

1. КПСС Марказий Комитети 1989 йил сентябрь Пленумининг қарорлари ўзгартирилиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVIII съезди 1990 йил 2 июлда Москва шаҳрида Кремлнинг Съездлар саройида чақирилсин.

2. Съезд муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1) Қайта қуришнинг бориши ва партиянинг вазифалари тўғрисида. КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботи. Докладчи — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев.

2) КПСС Марказий тафтиш комиссиясининг ҳисоботи. Докладчи — КПСС Марказий тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари ўртоқ А. А. Низовцева.

3) КПССнинг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастури тўғрисида.

4) КПССнинг Устави ҳақида.

5) КПСС Марказий Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом ҳақида.

6) Партиянинг марказий органларини сайлаш.

КПСС Ҳаракат дастури ва Устави билан боғлиқ масалалар биринчи масала юзасидан қилинадиган докладда баён этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

3. КПСС XXVIII съездига вакиллик нормаси партиянинг 4 минг аъзосидан бир делегат қилиб белгилансин.

4. КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш кенг демократик асосда, мусобақалашув ва муқобиллик вазиятида, барча коммунистларнинг бевосита иштирокида ўтказилиши зарур, деб ҳисоблансин.

КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартиби тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия қурилиши ва кадрлар сиёсати масалалари комиссияси томонидан партия ташкилотларининг, коммунистлар ва партиясизларнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган таклифлар қабул этилсин (илова қилинади).

Қабул этилган тартибга мувофиқ, сайланган делегатларнинг рўйхатларини область ва ўлка партия конференциялари, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездлари, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон ва Қозоғистон Компартияларида — область партия конференциялари, Москва шаҳрида — КПСС район конференциялари расмийлаштириб, КПСС XXVIII съездига тақдим этадилар.

Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, ички ва чегара қўшинлари партия ташкилотлари ҳисобида турувчи коммунистлар КПСС XXVIII съездига делегатларни тегишли қўшилмалар, қўшин турлари ва Қуролли Кучлар турлари партия конференцияларида сайлайдилар.

Чет эллардаги совет муассасалари партия ташкилотлари ҳисобида турувчи коммунистлар КПСС XXVIII съездига делегатларни Москва шаҳрида ўтказиладиган ўз партия конференцияларида сайлайдилар.

5. Партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш тартиби ва муддатларини иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, РСФСРдаги КПСС ўлка, область комитетлари белгилайдилар.

Шаҳар (район партия структурасига эга бўлган шаҳарларда), округ, область, ўлка партия конференцияларига, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларига делегатлар сайлаш тартибини тегишли партия комитетларининг пленумлари белгилайдилар. Конференция ва съездларга делегатлар сайлаш ва партия органларини тузиш давомида ушбу қарорда КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш учун белгиланган ёндашувлардан ва КПСС янги Устави лойиҳасининг қоидаларидан фойдаланиш тавсия этилсин.

6. Конференция ва съездларга делегатлар сайловини, шунингдек раҳбар партия органларига сайловни демократиялаш мақсадида қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Бошқа номзодларга нисбатан энг кўп овоз олган, аммо йиғилишда қатнашган КПСС аъзолари, конференция, съезд делегатлари, партия комитети аъзолари ёки сайлаб қўйилган бошқа орган аъзолари овозларининг ярмидан кўпини олган номзодлар сайланган ҳисобланади;

тегишли партия ташкилоти ёки Компартиянинг олий органи бўлмиш партия йиғилиши, конференция, съезд партия комитетининг биринчи секретари (партия комитетининг секретари)ни ёки сайлаб қўйиладиган бошқа шахсни йиғилиш, конференция ёки съезднинг бутун состави билан сайлаш тўғрисидаги масалани ҳал этишга ҳақлидир. Айни вақтда сайлаб қўйиладиган муайян шахсни келгусида алмаштириш тартиби белгиланади.

КПССнинг янги Устави қабул этилгунга қадар шу қоидаларга амал қилинсин.

7. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида, конференцияларида, съездларида партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволи, партиявий ишни тубдан яхшилаш тадбирлари чуқур ва атрофлича кўриб чиқилсин, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳалари муҳокама қилинсин. Ҳисобот ва сайловлар, партия съездига бутун тайёргарлик ишлари коммунистларнинг ҳар хил нуқтаи назарларини аниқлаш имконини бериши, улар ҳар қандай фикрга, озчиликнинг ўз позициясини билдириш ҳуқуқига ҳурмат билан қараши руҳида ўтказилиши муҳимдир. Йиғилишлар, конференциялар ва съездларнинг амалий тусда ўтишини, партиянинг жамиятдаги роли ва фаолиятининг, партия ички турмушини демократиялашнинг туб масалаларига, партиялилар оммаси ҳокимиятини қарор топтиришга оид таклифлар коллектив бўлиб ишлаб чиқилишини таъминлаш зарур.

КПСС XXVIII съездига тайёргарлик ишлари коммунистларни ғоявий ва ташкилий жиҳатдан жипслаштиришга, ҳар бир партия ташкилотининг иш қобилиятини оширишга, КПССнинг жамиятдаги пешқадамлик ролини мустаҳкамлашга, қайта қуришни чуқурлаштириш вазифаларини ҳал этишда партиянинг фаолиятини кучайтиришга кўмаклашмоғи лозим.

Қайта қуриш ишига садоқатли, партия ташкилотларининг мададига сазовор бўлган, партиявий-сиёсий усулларни эгаллаб олган коммунистлар орасидан янги, навқирон кучларни партиявий ишга жалб қилишга, КПССни янгилашга партия XXVIII съезди қарорлари асосида таъсирчан тус бера оладиган кишиларни партиядаги раҳбарлик лавозимларига кўтаришга алоҳида эътибор берилиши лозим.

8. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўлйўриқларига биноан, бўлғуси партия съездларида ва конференцияларида ягона назорат-тафтиш комиссиялари сайланиши мумкин. Назорат-тафтиш комиссиялари КПСС XXVIII съездигача ўз амалий ишида КПСС Марказий Комитети тасдиқлаган муваққат низомга амал қилишлари мумкин («Известия ЦК КПСС», 1-сон, 1989 йил).

9. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига КПСС XXVIII съездига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган ишларни КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолигига номзодларни, жойлардаги партия фаолларини кенг жалб қилиб, ошкора ва рўй-рост ўтказиш топширилсин. Съездга сайланган делегатлар орасидан КПСС съездига асосий ҳужжатлар ва қарорларни ишлаб чиқадиган комиссиялар (группалар) тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

*КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1990 йил 16 мартдаги қарори*

## Россия партия конференцияси тўғрисида

1. КПССнинг XXVIII съездига қадар Россия партия конференциясини чақириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. Россия Федерациясининг партия ташкилотларидан КПСС XXVIII съездига сайланган делегатлар конференциянинг делегатлари бўладилар, деб белгилансин.

3. Конференцияни тайёрлаш ва ўтказиш КПСС Марказий Комитетининг Россия Бюросига топширилсин. Шу мақсадда тегишли партия комитетларининг пленумларида сайланган ўлка, область, округ, Москва шаҳар партия ташкилотларининг вакиллари орасидан (ҳар бир ташкилотдан бир киши) тайёргарлик комитети тузилсин.

# ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### ВАҚТДАН ЎЗИБ

⊙ **ПЛАСТМАССА-фурнитуралар заводи ишчилари ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йили режаларини муддатидан илгари бажариш йўлида шижоат билан меҳнат қилишаяпти.**

Ҳозир корхонада 50 га яқин ишчи «Кунлик топшириқни икки ҳисса адо этамиз» шиори остида меҳнат қилмоқда. Қуювчи З. Жалилова, пардозловчи Я. Измоилбоевлар ойлик топшириқни 20 кунда уддалашга эришмоқда. Йиғувчи З. Исомиддинова, слесарь Д. Икромов, қуювчи Ш. Риковлар ана шу шиор остида ишлаб янги-янги марраларни эгаллашмоқда.

БУГУН улар 1990 йилнинг дастлабки уч ойлик топшириқларини бажаришди.

Д. ОБЛАЕВ.

### ИШЧИЛАРНИ ЎЙЛАБ

⊙ **АГРЕГАТ, «Компрессор», тажриба-механика экскаватор ремонти ва подшипниклар ремонти заводлари жамоаларига яна бир қулайлик яратилди.** Уста Ширин кўчасида янги хўжалик моллари дўкони ишлай бошлади. 240 квадрат метр савдо залига эга бўлган бу маскан уч бўлимдан иборат бўлиб, унда электр хўжалик моллари, химия воситалари билан ювиш маҳсулотлари ҳамда уй-ремонти ва дала боғ юмушлари учун турли бўёқлар, асбоб-ускуналар билан савдо қилинади.

Энди ишчилар кундалик харид моллари қатори рўзғор, хўжалик буюмлари харид қилиш учун узоққа боришмайдиган бўлишди.

Д. ҚАЛАНДАРОВ.

### МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

⊙ **БУГУН «Ирригаторлар» даҳасининг яна бир муҳташам биносида иссиқ ва совуқ сув қувурлари ҳамда хоналарнинг иситиш жиҳозларини ўрнатиш ишлари ниҳоясига етди.**

Бу масъулиятли ишларни Тошкент газ ва сув қувурларини, иситиш жиҳозларини ўрнатиш трестига қарашли 4-бошқарманинг Р. Салаев бошлиқ жамоаси муддатидан олдин бажарди.

### АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

⊙ **БУГУН Куйбишев районининг З-Қорасув даҳасида янги озиқ-овқат ва мева-сабзавотлар дўкони фойдаланишга топширилди.** Дўкон ёнида эса нон маҳсулотлари билан савдо қиладиган савдо шохобчаси ҳам фаолият кўрсата бошлади.

М. АЗИМОВ.

### СУРХОН ВОҲАСИ БЎЙЛАБ

⊙ **АЙНИ пайтда Абдулла Қаҳҳор номли республика сатира театри артистлари** Сурхондарё вилоятининг бир қанча районларида бўлиб спектакллардан парчалар намойиш этишмоқда. Бахтиёр Ихтиёров раҳбарлигида 12 кишидан иборат бригада Термиз шаҳрида гастроль ўтказмоқда. Т. Содиқов, Г. Ражабова ва Б. Муродов каби артистлар эса санъатларини Денов, Шўрчи, Сариосиё ноҳияларида ўтказмоқдалар. Гастроль 22 мартгача давом этади.

О. ЮНУСОВ.

### НАВРЎЗ ШОДИЁНАСИ

⊙ **ЯҚИНДА Ўзбекистон Архитекторлар уюшмасида йигирмадан зиёд ёш мусаввирларининг ижодиётлари кўргазмага қўйилди.** Айниқса А. Лининг «Гўри Амир», М. Нафиқовнинг «Уч атиргул», А. Курамовнинг «Санъаткор ойна олдида», Е. Фоменконинг «Лолазорда» ва Ф. Ахметязовнинг «Наврўз шодиёнаси» каби асарлари кўпчиликка манзур бўлди. Кўргазма Ўзбекистон ССР маданият фондининг ташаббуси билан уюштирилди.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

### ТАЛАБАЛАР БАҲСИ

⊙ **Тошкент Давлат дорилфунунининг маданият саройи ҳар галгидан ҳам мухлислар билан гавжум бўлди.** Бу ерда Тошкент Давлат дорилфунуни ва жумҳурият рус тили ва адабиёти педагогика институти командалари ўртасида мусобақа бўлиб ўтди.

Конкурс шартлари ҳамда савол-жавоблардан сўнг 138 очко тўплаган рус тили ва адабиёти педагогика институти командаси ғолиб чиқди.

О. МАХМАЮСУПОВ.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ТЕРРИТОРИЯСИДА «ЁЗГИ» ВАҚТГА ЎТИШНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика турли минтақалари меҳнаткашларининг кўпдан-кўп илтимослари ва истакларини эътиборга олиб, СССР Министрлар Совети билан СССР Ягона вақт ва эталон частоталар давлат комиссиясидан Ўзбекистон ССР территориясида «ёзги» вақтга ўтишни бекор этишни илтимос қилди.

Тажриба тариқасида республикани минтақа вақтига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу муносабат билан 1990 йил 25 март куни Ўзбекистонда соат миллари бир соат олдинга суриб қўйилмайди.

Бу қарор министрликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, маҳаллий Советларнинг бутун халқ хўжалиги комплексининг янгича вақт ҳисобидан узлуксиз ишлашини ва унинг мамлакатдаги соат миллари бир соат олдинга суриб қўйиладиган минтақалари билан ўзаро алоқасини таъминлаш юзасидан зарур тадбирларни ҳеч кечиктирмай бажаришларини тақозо этади.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

# ТАҲЛИЛЛАР НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Ҳозирги пайтда бирйўла турғунлик даври келтириб чиқарган камчиликларни бартараф қилиш ва иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш билан бирга, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ҳам муҳим масала ҳисобланади. Шу жумладан ишлаб чиқаришни планни бажаришга эмас, эҳтиёжни қондиришга мослаш ва бу масалани ҳал қилиш товар-пул муносабатларини ҳамда иқтисодий рағбатлантиришни ривожлантиришга ҳам боғлиқ. Шуниси ачинарлики, ўтган вақт ичида иқтисодий рағбатлантириш ва товар-пул муносабатлари етарли даражада ривожланмади.

Маълумки, умумхалқ манфаати, яъни аҳолининг моддий ва маданий эҳтиёжларини тўла қондириш ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Умумхалқ ва коллектив манфаатлари эса жамият манфаатлари билан узвий боғланиб кетади. **Тўла хўжалик ҳисоби усули эса худди ана шу ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ва моддий бойликларни тақсимлашда меҳнаткашлар, коллектив ва жамият манфаатларини ўзида ифода этиши керак.** Бошқача айтганда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот корхона учун ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб, ҳар бир ишчини моддий рағбатлантиришга имкон бериши керак. Агар бу қоидага риоя қилинмаса, хўжалик ҳисобининг манфаатларига мос тушмай қолиши мумкин. Шу муносабат билан бугунги кунда хўжаликни юритиш усулларини янада такомиллаштириш, иқтисодий «механизм»га таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш муҳим масала бўлиб турибди.

Мана, хўжаликни юритишнинг янги усулларига ўтиб ишланаётганига ҳам икки йилдан ошиб кетди. Шу туфайли тўла хўжалик ҳисоби, қилинган сарфни қоплаш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитидаги иш якунларини таҳлил қилиб, бу янги усулга баҳо берадиган пайт келди. Аввал шу нарсани қайд қилиб ўтиш жоизки, СССР давлат корхона (бирлашма)лари тўғрисидаги қонунга биноан тўла хўжалик ҳисобининг иккита шаклини жорий этиш кўзда тутилган эди. Ўз-ўзидан нима учун айнан тўла хўжалик ҳисобининг иккита шакли тавсия қилинган деган савол туғилади. Бунинг сабаблари қуйидагича: биринчидан, тўла хўжалик ҳисобига ўтиш арафасида ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий аҳволи ҳар хил бўлган. Йирик корхоналар самарали ишлаган бўлсалар, айримлари паст самара билан ишлаган ва ҳатто зарар кўрган. Демак ана шу ҳар хил шароитдаги корхоналар учун яхши натижа берган усулни амалда кенг қўллашга тавсия қилиш зарур. Иккинчидан эса корхона, бирлашмаларга хўжаликни юритишда кенгроқ имконият бериш мақсадида тўла хўжалик ҳисобининг икки шакли тавсия қилинган. Биринчи шакли иш ҳақи фондини марказлаштирилган ҳолда қаттиқроқ назорат қилиш имконини берса, иккинчи усул иш натижасини иш ҳақи билан узвий боғлаш имконини беради.

Умуман иқтисодий қайта қуриш яъни янгича ишлаш, янги омилларни ишга солиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг манбаларини яратиш ва улардан тўла фойдаланишга, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини ривожлантириш ва уларни ишлаб чиқариш кўрсаткичларини узлуксиз ошириб боришга рағбатлантиришга қаратилган. **Аввало тўла хўжалик ҳисоби корхона ва унинг меҳнат аҳлини юқорироқ план топшириқларини олишга рағбатлантиради.** План қанча катта бўлса, шунча кўп маҳсулот чиқариш лозим бўлади, ва бу ҳол кўп даромад олиш имконини беради. Буни Тошкент кўн-мўйна буюмлари ишлаб чиқариш заводи мисолида яққол кўриш мумкин. 1988 йили 23,1 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб 1850 минг сўмлик фойда олинган бўлса, 1989 йили 23,7 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2609 минг сўмлик фойда олинган. 1989 йили меҳнат унумдорлиги 1988 йилга нисбатан 25,5 фоизга ошган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи 1989 йили 52 минг сўмга камайтирилган. Унумсиз қилинадиган сарф 1988 йилга нисбатан 708 минг сўмга камайган. 1989 йилда олинган фойданинг (2609 минг сўм) фақатгина 314 минг сўмигина корхонада қолдирилган. Шу фойданинг 125 минг сўми моддий рағбатлантириш фондига, 63 минг сўми ижтимоий ривожлантириш ва 125 минг сўми эса корхонани ривожлантириш, илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш ва техникани такомиллаштириш фондига ажратилган. 2609 минг сўмлик фойданинг 314 мингидан ташқариси ҳар хил тўловлар ва юқори ташкилот, яъни министрликка берилган. Даромад янги шароитда ҳамма ишлаб чиқаришга сарф қилинадиган харажат, иш ҳақи, ижтимоий масалаларни ҳал қилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, илмфан, технологияни такомиллаштириш манбаидир. Шу туфайли тўла хўжалик ҳисоби корхона ва бирлашмаларни ишлаб чиқаришни юксалтириш учун меҳнатни ташкил қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш ва корхона ихтиёридаги фондлардан самарали фойдаланишга даъват қилса керак деб ўйлаган эдик. **Биринчи ва иккинчи йилларда эришилган натижалар оз бўлса-да ижобий натижалар бера бошлади. Хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаётган корхоналарда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати бирмунча жадаллашди, олинган фойда ҳам ўса бошлади.** Халқ хўжалиги билан ишлаб чиқариш корхоналари орасидаги ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланди. Корхоналар орасидаги ишлаб чиқариш алоқалари ҳам бирмунча жонлана бошлади.

Фойда орқали корхона ва меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришнинг даромадлилигини оширишга қизиқишини кучайтириш мўлжалланган эди. Фойда асосан, иш якунлари бўйича ташкил қилинадиган барча рағбатлантирувчи фондларни яратиш манбаига айлантирилди. Маълумки, эришилган кўрсаткичлар, яъни маҳсулотни харид қилиш ҳажми ва ишлаб чиқариш самарадорлиги моддий рағбатлантириш билан узвий боғлангандир. Бу боғланиш жуда муҳим. У аслида кучли омил ҳисобланади. **Аммо таҳлиллар шуни кўрсатяптики, корхона ихтиёрида қоладиган даромаднинг деярли 88—92 фоизи умумлаштирилиб, ижтимоий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни, фан-техникани ривожлантириш фондларига ва молиявий резерв ташкил қилишга сарфланаяпти. Фойданинг кўп қисмини ана шу фондларга йўналтириш унинг рағбатлантириш имкониятини умуман йўққа чиқариб қўйяпти.** Бундан ташқари яна бир томони, бу ижтимоий адолатсизликни келтириб чиқаради.

Мана, қаранг. Корхоналарда фойда ёки даромад шу корхона коллективи меҳнати билан яратилади. Аммо ижтимоий ривожлантириш фондидан уй-жой ёки бошқа қулайликларга эга бўлиш учун бор-йўғи 10—15 фоиз ишчигина фойдаланаркан, холос. Тўла хўжалик ҳисобининг биринчи ҳамда иккинчи усулида ишлаётган корхоналарда олинган ҳар бир сўмлик фойданинг бор-йўғи 4—8 тийини мукофот тарзида ишчига тегади. Қолган 60—70 тийинни эса ҳар хил тўловларга ва 28—34 тийини юқорида қайд қилинган фондларга тушади. Ахир, бир сўм фойда олиш учун машинасозлик корхоналарида 8—10 сўм, енгил саноатда 12—15 сўм, гўшт комбинатида эса 20—25 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши керак.

**Тўла хўжалик ҳисобининг олдига қўйилган яна бир мақсад — фондлар учун тўлов орқали асосий ва оборот фондларидан самарали фойдаланишга эришиш ва нормадагидан ортиқча хомашё, материаллар, тайёр маҳсулотларнинг йиғилиб қолишига йўл қўймасликка эришиш эди.** Фондлар учун тўланадиган тўловлар ҳам фойдадан олинади. даромад олиш ошган сари фондлар учун тўланадиган тўловлар ҳам ортиб борди. Шундай қилиб, биринчидан, фондлар учун тўланадиган тўловлар самарали ишлашни жазолайдиган ва умуман даромаднинг бир қисмини яширин тарзда олиш «механизмига» айланиб қолди. Ўрта ҳисобда фондлар учун тўланадиган тўловлар орқали фойданинг тахминан 18—22 фоизи олиб қўйиладиган бўлиб қолди. Моддий-техника таъминоти кундан-кунга кескинлашиб бораётганлиги туфайли бу иш янада орқага кетяпти.

**Умуман олганда, тўла хўжалик ҳисоби кўзланган натижаларга эришишни яхши таъминлагани йўқ.** Энди қўйилган мақсадга эришилмаганлигининг бир неча сабабларини таҳлил этиб кўрайлик. Тўла хўжалик ҳисоби туфайли корхоналарга планлаштириш, ишчи кучидан фойдаланиш ва ишчиларни моддий рағбатлантириш, корхона ихтиёридаги мулкдан фойдаланиш, қурилиш, ишлаб чиқаришни яхшилашда кенг ҳуқуқлар бериш мўлжалланган эди. Корхона, бирлашмаларга иқтисодий, ташкилий, техникавий масалаларни ҳал қилишда катта мустақиллик бериш ҳам кўзда тутилган эди. Лекин амалда шу кўзда тутилган масалалар ўйлангандек ҳал қилинмади. **Корхона, бирлашмалар, министрликлар ва бошқа идораларнинг тушовидан тўла-тўкис қутулиб чиқиб кета олмадилар. Министрликлар ҳали ҳам давлат буюртмасини баҳона қилиб, корхона, бирлашмаларга эскича, ўзларига тўғри келадиган план кўрсаткичларини мажбуран тиқиштиришади.** Моддий-техника ресурслари ҳам асосан уларнинг қўлида. Хуллас, ҳали министрлик ва корхона, бирлашма орасидаги муносабатларда қайта қуриш даври талабларига муносиб ўзгаришлар бўлганича йўқ. Шу туфайли корхона, бирлашма иш кўрсаткичларида ҳам жиддий ўзгаришлар бўлмаяпти. **Бундан ташқари тўла хўжалик ҳисоби «ичкарига», яъни цех, участка, бригада ва ҳар бир ишчига етиб боргани йўқ. Ҳозирча тўла хўжалик ҳисоби фақат корхона, бирлашма бошқарув аппаратидагина ишлаяпти.** Шу туфайли хўжалик ҳисоби ҳозирча ишлаб чиқаришни рағбатлантириш билан ҳар бир ишчининг манфаатини бир-бирига боғлай олмади.

Аммо бирмунча ижобий ўзгаришлар ҳам йўқ эмас. Масалан, ишлаб чиқариш режаларини тузишда меҳнат аҳлининг ҳуқуқи бирмунча кенгайди, юқоридан тасдиқлаб тушириладиган ҳар хил кўрсаткичлар бирмунча камайди, фойдани тақсимлашда қўлланилаётган нормативлар беш йилга мўлжаллаб тасдиқланадиган бўлди, меҳнат аҳлига таъминотчилар ва истеъмолчилар билан мустақил равишда хўжалик шартномаларини тузиш ҳуқуқи берилди.

**Янги шароитда юқори натижага эришиш учун ишлаб чиқаришни янги дастгоҳлар билан жиҳозлаш ва меҳнат унумдорлигини энг камида ҳар йили 20—25 фоизга ошириб бориш керак. Аммо кўп ҳолларда бундай ишни амалга оширишнинг иложи бўлмаяпти.** Биринчидан, маблағ етмайди, иккинчидан эса маблағ бўлган ҳолда замонавий, юқори унумдорлик билан ишлайдиган дастгоҳлар деярли йўқ. Четдан олиш учун эса валюта керак. Таҳлил шуни кўрсатадики, жуда кўп меҳнат коллективлари ҳозирги имкониятларидан келиб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш қувватига эгалар. Лекин хом ашё, ёқилғи, эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги уларнинг бу қувватларини ишга солишга халақит беряпти.

**Хулоса қилиб айтганда, тўла хўжалик ҳисобининг қайси усули яхшироқ натижа беради, деган саволга ҳар ҳолда биринчи усули афзалроқ, деб жавоб бергимиз келади.** Чунки биринчи усулда иш ҳақи фонди белгиланган нормативга кўра олдиндан ҳисоблаб қўйилади. Ундан кейин амалда план кўрсаткичининг бажарилишига қараб аниқланади, яъни ҳақиқатда бажарилган иш ҳақига қараб иш ҳақи фонди ҳисоблаб чиқилади. Энди шу белгиланган иш, пландагидан камроқ ишчилар сони билан бажарилса, иш ҳақи фонди шу ишчилар орасида, иш якуни ҳисобга олинган ҳолда тақсимланади. Бошқача айтганда, ишлаб чиқаришга мўлжалланган сарф қанча камайса, моддий рағбатлантириш фондидан ишчига фойдадан тегадиган улуш кўпаяди. Иккинчи усулда эса иш ҳақи фонди фойда билан бирга даромадни ҳам ташкил қилади. Ҳамма тўловлар даромад ҳисобидан тўланган туфайли иш ҳақи фондидан ҳам (даромад таркибида бўлгани учун) тўловлар тўланади. Ундан ташқари корхона ихтиёрида қоладиган хўжалик ҳисобидаги фонд таркибидаги иш ҳақи фондидан ҳам ҳар хил фондларга бир қисми ўтади. Шунинг учун кўп корхоналар аввал биринчи усулда ишлаб, кейин иккинчи усулга ўтмоқдалар. Бир йилдан кейин яна биринчи усулга қайтмоқдалар. Чунки иккинчи усул яхши натижа бераётгани йўқ. Лекин кўпинча иккинчи усулни ижара пудратига ёки ижара усули шароитида ишлашга ўтиш учун тайёрланиш усули деб ҳам билмоқдалар. Чунки ижара усули ёки ижара пудрати шу — иккинчи усул асосида олиб борилади. Шундай бўлишига қарамай, биринчи усул ҳам ижара усули ёки ижара пудратига ўтиб ишлаш учун етарли «тажриба майдони» бўлиши мумкин.

Умуман, янги усулда ишлашнинг имкониятлари жуда катта. Ана шу имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланилса, иш натижалари ҳам албатта яхши бўлади.

С. САЛИМОВ,
**Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги республика тармоқлараро раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш институтининг кафедра мудири, техника фанлари доктори, профессор.**




⊙ ЛОНДОН. Атроф-муҳитни ҳимоя қилувчиларнинг халқаро «Гринпис» ташкилоти ривожланган мамлакатларга мурожаат қилиб, атмосферага карбонат ангидрид газн саноат чиқиндисини келгуси ўн йилликда 30 фоиз қисқартиришга даъват этди. Мазкур ташкилотнинг бу ерда тарқатилган докладида таъкидланишича, бундай тадбир келгусида жаҳон миқёсида иқлим исишига олиб келадиган кўпгина бахтсизликларнинг олдини олиш имконини берган бўлур эди.

«Гринпис» ташкилоти сайёрадаги ўрмон массивлари тугатилишига чек қўйишни ва ишлаб чиқаришда озон қатламини емирадиган фреонни қўлланишдан бутунлай воз кечишни талаб қилди. «Сиёсатчилар «парник эффекти»га қарши курашиш учун кўраётган чоралар билан олимлар нуқтаи назаридан амалга оширилиши керак бўлган нарса ўртасида жуда катта фарқ мавжуд», — деди атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тарафдорлари янги кампаниясининг ташкилотчиси Стив Элсворт докладни тақдим этар экан. У агар жиддий иқлимий ўзгаришларнинг олди олинмас экан, миллион-миллион кишиларнинг ҳаёти хавф остида қолишини айтди.

Яқин вақт ичида «Гринпис» ташкилотининг доклади тегишли мамлакатларнинг ҳукуматларига юборилади.

⊙ КАНБЕРРА. Нафас олиш аппаратлари билан таъминланган сувга шўнғувчилар нефть танкерининг эшкак винтини Янги Зеландиянинг Окленд порти пристанига занжир билан боғлаб қўйдилар. «Гринпис» жаҳон экология ташкилотининг вакиллари Филиппинда рўйхатга олинган танкер дрифтер тўри билан балиқ овлайдиган Япония траулерларига ёнилғи етказиб беришига ана шу йўл билан қаршилик кўрсатдилар. Узунлиги 50-70 километрга етадиган ва 20 метргача сув остига тушириладиган бундай тўрларни «ажал девори» деб атамоқдалар. Ана шундай тўрларга барча жонзотлар, жумладан, дельфинлар, китлар тушиб қолмоқда. Бундай тўрлар денгиз ҳайвонларига жуда катта зарар етказмоқда. Кўпинча улар довул вақтида йўқолиб қолмоқда ва сузувчи қопқонларга айланмоқда. Янги Зеландия ўзининг территориал сувларида ана шундай ваҳшиёна воситалар билан балиқ овланишини ва ўз портларига дрифтер тўрлари бўлган кемалар киришини тақиқлайди.

Тинч океан сувларида Япония ва Тайван балиқ овлаш кемалари дрифтер тўрларидан энг кўп фойдаланмоқда.

⊙ СТОКГОЛЬМ. Фақат меҳрибон, самимий, одамохун кишигина чинакамига бахтиёр бўла олади — бу, асарлари дунёда энг кўп мутолаа қилинадиган муаллифлардан бири Астрид Линдгрен хоним ижодиётидаги асосий ғоядир. Унга Швеция пойтахтида мукофот топширилиши унинг болаликка, ўсмирликка ва ёшликка бутун борлиғини бахшида этиб хизмат қилганлигининг эътирофи бўлди.

«Жаҳон болаларига — тинчлик» совет уюшмаси швециялик ёзувчини Таня Савичева, Садака, Анна Франк ва Саманта Смит хотирасига медаль билан тақдирлади. Линдгрен хонимнинг китоблари, деди мукофотни топшираётиб уюшма раиси, совет ёзувчиси Анатолий Алексин, болаларга қувонч бағишлабгина қолмай, келажак авлодга албатта насиб этиши лозим бўлган урушларсиз ва зўравонликсиз дунёни яқинлаштиради.

Мен учун бу мукофот айниқса қадрлидир, деб таъкидлади А. Линдгрен. Биз фашистлар ваҳшийлик қилган йилларда ҳалок бўлганларни, Хиросимага ядро бомбаси ташланиши оқибатида қурбон бўлганларни ва шу кунларда ўзининг бутун умрини халқ дипломатияси ишига бағишлаганларни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Уларнинг орзу-умидларини амалга ошириш бугун бизнинг қўлимизда.

Стокгольмнинг Дроттнинггатан кўчасида жойлашган кўҳна адиблар уйида бўлиб ўтган тантанали маросимда мамлакат ижодий уюшмаларининг ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, СССР-нинг Швециядги элчихонаси вакиллари иштирок этдилар.

(ТАСС).

Истеъмол буюмлари кўпаяди

# Юз марта эшитгандан...

**⊙ Чет эл молларига бўлган эҳтиёж сир эмас, аҳоли ўртасида жуда ўсган. Ҳар бир киши баҳоли қудрат қайси давлат бўлишидан қатъи назар четникини суриштиради. Сабаби оддий: сифати яхши. Дарвоқе, қимматроқлиги озгина чақай дейди. Лекин «Арзоннинг шўрваси татимас» деганларидек гоҳида 10 та арзон сифатсиздан битта қиммат сифатлини афзал кўради. Йўқ, айтмоқчи эмасман, маҳсулот чиқараётган корхоналаримиз халқ талаб-истагини ўрганмаяпти деб. Устки кийим-бошдан тортиб, пойабзалгача янги-янги бичим турлари топилмоқда ва ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда. Харидорлар фикрлари ҳисобга олинмоқда. Лекин... Нимагадир одамлар барибир «импорт» изламоқдалар. Нега! Ахир кўпгина корхоналаримиз чет давлат ускуналари билан жиҳозлантирилган бўлса. Ишчи кучи шу одамлар бўлса..**

АЙНИҚСА кейинги 3—5 йиллар ичида ишини чинакамига қайта қура бошлаган «Қизил тонг»ликлар айнан шу масала хусусида бош қотиришарди. Корхона асосан пальто ва плашчлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Унга кўп бўлгани йўқ. Ўтган йилги баҳорда Франциянинг «Клёнер Ина» фирмаси бирлашма билан амалий ҳамкорликка ўтди. Ўзининг тикув дастгоҳларидан бир талайини корхонага келтириб ўрнатди.

Ҳатто мутахассислари бир ой давомида биргаликда бўлиб, иш жараёни билан муфассал таништиришди. Самара натижасини бераётгандек бўлди. Бироқ маҳсулотлар чиқиши баробарида жаҳон бозоригача ета олмади. Бир йил ўтар-ўтмай бирлашма ишни жойида пухта ўрганиш керак деган қарорини Москвадаги «Техноимпорт» бошқармасига билдирди. Негаки шу пайтгача бирлашмага нафақат Франция, балки Германия Федератив Республикасининг «Дюрко», Япониянинг «Брозер», Италиянинг «Римолди» каби ускуналари ўрнатилган эди. Ишлатишгаку мутахассислар ёрдамида яхши ишлатиларди-ю, лекин маҳсулот ўша-ўша.

Хуллас, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир гуруҳ мутахассислари дастлабки амалий мулоқотни Францияга сафар қилишдан бошладилар. Мақсад, юқорида айтилганидек «импорт» чиқаришнинг «сирлари»ни ўрганиш.

Шу ҳақдаги фикрлари билан ўртоқлашиш учун корхонанинг етакчи мутахассиси Тановархон Абулқосимовани суҳбатга тортдик.

— Таассуротлар катта. Халқимизда «Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал», деган нақл бор. Шу боис тикувчилар, механиклардан иборат бир гуруҳ мутахассисларимиз билан чет эллик ҳамкасбларимизнинг иш тажрибаси билан ўртоқлашдик. Даставвал Сюто фирмасида бўлиб, бичув ишлари билан танишдик. Йўқ, энг олдин конструкторлар ишини ўргандик. (Бу менинг мутахассислигимга оид бўлганлиги учун ҳам кўпроқ қизиқтирарди). Ишнинг ташкил қилинганлиги қойил қолдирди. Бизники сингари 15 та кийим бичимини топувчи ўрнига иккитаси ишларкан, холос. Бутун кучқувватини истаганча тўла сарфлайверади. Ҳар бир ишчи кучидан тўла-тўкис фойдаланишар экан. Бизда бўлса, агар ишим бўлмаса, кун бўйи бекор ўтиришим мумкин. Бундан ўзим ҳам, корхонамиз ҳам зарар кўрмайди. Маошим ҳам камайиб қолмайди. Албатта, мен ҳамиша бекорчи бўлиб ўтираман демоқчи эмасман. Лекин кучимни ишга тўла сарфлаш ёлғиз ўзимга боғлиқ эмас. Гоҳ таъминот масаласи бўлса, гоҳ яна қандайдир техник қисм етишмаслиги. Хуллас, сабаби кўп. Шундай қилиб, сафаримиз Рубе, Фужер каби шаҳарларда давом этди. Мазкур шаҳарларда «Кавемат», «Лемеер» тикув фирмалари жаҳонга кенг тарқалган маҳсулотлар ишлаб чиқарар экан. Иш жараёнини обдон кузатдик. Машиналарининг бизникидан афзал жойи йўқ. Шароити ҳам теппа-тенг. Фақат ишни ташкил қилишда фарқ катта. Масалан, «Қизил тонг» йил бўйи битта мавсум учун, яъни фақат пальто, плашч тикади. Табиийки, ёзда ҳам шу. Керакми-йўқми планимиз бор. Энди уни ҳар мавсумга мослаштириб борсак бўладику. Ваҳоланки, биз бўлган фирмаларда шундай экан. Улар яна истаган бичимдаги истаган кийимни тикиб чиқариш имконига эга. Жумладан, биз машҳур «Манеер Керде» фирмасида ҳам шу нарсани учратдик. Яна бир диққатли томони, кийимлар жуда кам нусхада чиқарилар экан. Корхонамизда, масалан, энг кам нусха 3 мингни ташкил қилишини айтсак, улар аввалига бутун Иттифоқ бўйичами деб сўрашди. Битта корхона миқёсидалигини эшитиб эса «Оламшумул нарса-ку» деб юборишди. Шунча пальтони қачон кийиб улгурасизлар деб ҳайрон бўлишди.

— Тановархон, борган жойингиздан ўйлаганингизни олиб қайтолдингизми? Умуман, кўнглингиз тўлдими?

— Иложи борича ҳаракат қилдик. Лекин кўп нарсани сир тутишар экан. Тикилган кийимларга қараб ҳақиқатда ўзгача «сир»и борлигини сезасиз.

Битта пальтони тикишдан аввал бичимини ўлчаш, нархини қўйиш, баҳосини белгилаш, ниҳоят буларни бир-бирига мослаштириб, тасдиқдан ўтказишимиз учун камида икки кун вақт керак бўлади. Чет эллик ҳамкасбларимиз эса бичими бўйича харидорлар қизиқишини билдими шу заҳотиёқ матони оларкану тикиб савдо расталарига ошираверaркан. Уларда матонинг узунлиги нархига ҳисобланса, бизда бичим нормадан ошмаслиги керак. Агар бичим белгиланган ўлчов бўйича матога сиғмаса, унда ё моделни олиб ташлаймиз, ё бичимини ўзгартиришга тўғри келади. Хуллас, ҳаммаси стандарт бўлиши керак.

Ўйлаганингизни ололдингизми, дедингиз, умуман ҳа. Мен меҳнат қилаётган тажриба участкасида «Дюркоп», «Брозер» машиналари ва «Ковемат» дазмоли ўрнатилган эди. Уларнинг ишини бошқаришда анча қийналардик. Негаки бирор жойда нотўғри «программалаштириш» албатта қандайдир нуқсонни келтириб чиқаради. Айниқса, кийим илгичлар тушиб кетиши ёки синиб тушиши ҳоллари бўларди. Шу нарсаларни ўргандик. Тикувчининг иш столини кўриб чиқдик. Ҳатто ип, қайчи каби буюмлари қаерда туришигача қизиқдик. Яна кортеж деган нарса эътиборимизни тортди. Замонавий программалаштириш йўли билан жорий этиладиган бу кортеж ишчининг иш қобилиятини аниқлашда, унинг туриб қолиш ҳолларини чуқур таҳлил қилишда ёрдам берар экан. Энг муҳими — маҳсулот сифатли чиқиши учун тезлик қувватини оширмас эканлар. Маҳсулот фалон минг сўмлик ҳисобида эмас, балки донабай қилиб савдо расталарига етказилади. Бу ўз навбатида харидор фикрини ўрганишдан ҳам афзалроқ, яъни харидор биттагина кийим олса ҳам кўнглидагини, асосийси сифатлисини сотиб олади.

Тановархон айтган ускуналардан бошқа цехларда ҳам бор. Унинг бир маромда, тўла программа асосида ишлаши мутахассислар малакасига боғлиқ. «Қизил тонг»да сифат сари изланиш давом этмоқда. Куни кеча корхонанинг яна бир гуруҳ ходимлари Испанияга ҳамда Ғарбий Германияга жўнаб кетишди. Ҳаммалари жамланиб ўрганган тажриба ва малакаларини тўла ишга солсалар, ажаб эмас биз ҳам «импорт»дан ўзсак.

Ф. ҲУСАНОВА.

# Буюртма бажарилди

⊙ **ТОШКЕНТ мебель ойналари фабрикаси маҳсулотига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.** Корхона асосан Нукус, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Шўрчи, Олмалиқ, Наманган, Қўқон, Қува, Андижон ва пойтахт мебель ишлаб чиқариш фабрикалари учун 30 хилга яқин катталикдаги ойна маҳсулотларини етказиб беради.

Ўтган ойлар корхона аҳли учун самарали бўлди. Яхши хўжалик юритиш, имкониятлардан самарали фойдаланиш, унумдорликни ошириш шиори остида қилинган меҳнат зое кетмади.

БУГУН корхона жамоаси қорақалпоғистонлик ва шўрчилик мебелсозларнинг буюртмаларини муддатидан олдин бажаришди. Улар шартнома мажбуриятлари бўйича ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йилининг дастлабки уч ойлик топшириқларини ниҳоясига етказишди.

Д. АЪЛОЕВ.



⊙ «МАНА БУ АТИР ГУНАФШАДЕК ХУШБЎЙ!» — Тошкентдаги «Лола» атир-упа фабрикасининг қадоқловчиси Саодат Алимова шундай деяпти. Т. Каримов сурати.




⊙ **ВОРОНЕЖ.** Воронежда очилган янги «Қурувчи» тижорат банки ташаббуслар ва ижодни пул билан таъминлайди. Уни областдаги йигирма бешта етакчи қурилиш, транспорт ва монтаж корхонаси ташкил этди. Пайчиларнинг акциядорлардан оладиган даромади йиллик даромаднинг ўн фоизини ташкил этади. «Қурувчи» ҳозирнинг ўзидаёқ 99 та ташкилотга хизмат қилмоқда. Банк тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш принциплари асосида ишлаб, омонатчиларнинг биргаликда ўтказадиган тадбирларини ва тижорат фаолиятларини, янги технологиялар ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг илғор методларини жорий этишни, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришни пул билан таъминлайди.

⊙ **МОГИЛЕВ.** КПСС XXV съезди номли Могилев шойи газламалар бирлашмасининг тўқувчилари ўз корхоналарида ип йигириш ишларини йўлга қўйдилар. Бу корхонани плашчбоп харидоргир газламалар тайёрлаш учун тақчил ип билан таъминлади. Митти фабрика учун жойни ишлаб турган корхонанинг ўзидан топдилар: айрим хизматлар жойлашган хоналарнинг, омбор биноларининг бир қисмини бўшатишга тўғри келди.

⊙ **ТОҒЛИ-ОЛТОЙ ўлкаси.** Маҳаллий «Силэн» инженерлик маркази туғруқхонага йигирма мингта бир марта фойдаланиладиган шприц берди. Бу, автоном областидаги энг катта туғруқхонага қарийб бир йилга етади. Шприцлар «Силэн» ишланмалари Грецияда томошабинлар олдида синовдан ўтказилганида ишлаб топилган валютага чет элдан сотиб олинган эди.

⊙ **БИЖАН** (Хабаровск ўлкаси). «Бижанский» совхозининг коллективи уруш ва меҳнат ветеранларининг шахсий томорқаларини ишончли оталиққа олди. Барча пенсионерлар қишлоқ кўрғонлари, квартиралар, коммунал хизматлар, электр энергияси учун пул тўлашдан озод этилди. Хўжалик уларни ўз ҳисобидан ёқилғи билан таъминлайди, ҳар йили улар учун 300 килограмм омухта ем ва икки тонна хашак ажратиб беради. Қурилиш ва уйни, ҳовлидаги ёрдамчи биноларни ремонт қилиш учун керак бўладиган материаллар энди пенсионерларга икки баравар арзонга тушади. Юқори синф ўқувчилари томорқа участкаларига ишлов беришда, ҳосилни йиғиб олишда ёрдам кўрсатишади. Бунинг учун уларга ҳақни совхоз тўлайди.

⊙ **ЛЕНИНГРАД.** Ленинградда ташкил қилинган Андреев фонди рус музика маданияти анъаналарини тиклашни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Юз йилдан зиёд вақт илгари биринчи рус халқ оркестри айни шу шаҳарда ўз ижодини бошлаган. Унга миллий чолғу асбобларининг машҳур тарғиботчиси В. В. Андреев асос солган эди. Янги жамоат ташкилоти ўз зиммасига қадимий мусиқа анъаналарини тиклаш — «народник»ларнинг фестиваллари ва конкурсларини ўтказиш, профессионал ва ҳаваскор ижрочилар учун чолғу асбобларини таъмирлаш билан боғлиқ барча ташаббусларга ҳомийлик қилиш вазифасини олган.

⊙ **ЧИМКЕНТ.** Областда ташкил қилинган «Мелиосервис» давлат тармоқлараро бирлашмасининг асосий мақсади сув хўжалиги органларининг якка ҳокимлигига барҳам бериш, бюджет ҳисобидан маблағ олишдан ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишдан иборатдир. У ирригация иншоотларини текшириш, лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларини такомиллаштиришни ўз зиммасига олди. Сув сарфини ҳисоблаш учун энг янги асбоблардан фойдаланиш мўлжалланган. Суғориш системалари автоматлаштирилганидан кейин хўжаликларда ишсиз қоладиган ходимлар қизилмия илдизини етиштириш билан шуғулланадилар. Бу камёб хом ашёнинг бир қисми ташқи бозорга олиб чиқилади.

⊙ **АШХОБОД.** Автодўконлар ва «аттор»лар ўзларининг хилма-хил молларини сотиш учун Туркманистоннинг жанубидаги Бурашников номли совхоз дала шийпонларига келдилар. Лалми экинлар экиш авж олган қўриқ ерларда Мари областидан келган кооператорларнинг сайёр бригадалари ишлай бошлашди. Улар деҳқонларнинг ишончли ёрдамчиларига айланиб, саноат моллари ва озиқ-овқатларнинг хилма-хил турлари сотиладиган ўз универсал магазинларининг дала вариантини экин мавсумида шу ерга олиб келдилар. Республика дала шийпонларида ва механизациялаштирилган ҳовлиларида беш юздан зиёд дўкончалар очилди, юзлаб автодўконлар экин майдонлари чеккасида савдо қилмоқда.

(ТАСС мухбирларининг хабарларидан).

# НАВРЎЗ — ХАЛҚНИНГ СЕВИМЛИ БАЙРАМИ

## Дил қувончлари

**⊙ Мана ниҳоят Янги йилимизни — Наврўзимизни эртанги кунга ишонч, дилларда олам-олам қувонч ҳислари билан қарши олаяпмиз. Республикамиз аҳли бу кунни катта тантана, ўзгача шодиёна билан қутиб олишга ошиқмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз байрам либосига буркана бошлади. Шундай катта тантаналар ўша куни ўзўзидан пойтахтимизда ҳам авжига чиқади.**

**Мухбиримизнинг Тошкентда ўтказиладиган Наврўз байрамининг бош режиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Баҳодир Йўлдошев билан суҳбати ҳам Наврўз базми ҳақида бўлди.**

**— Баҳодир ака, бу йилги Наврўз айёмининг афзаллигини нимада деб ўйлайсиз?**

— Янги йил байрами — Наврўз ҳар бир хонадонга, ҳар бир киши юрагига қувонч ва бахт олиб киришини истайман. Наврўз шу пайтгача нишонланиб келинди. Гарчи диний қараш деб баҳоланса ҳам барибир уни нишонлайвердик. Чунки халқ уни юрагидан чиқаролмасди. Уни йўқ қилиш Янги йилни йўқ қилиш билан баробар эди. Мана ўтган йилдан бошлаб жумҳуриятимиз ҳукумати Наврўзга катта эътибор ва ҳурмат билан қарай бошлади. Бу улуғ айём кунини илк бор дам олиш куни деб эълон қилди.

**— Энди бевосита олиб борилган ишлар ҳақида бир оғиз тўхталиб ўтсангиз.**

— Шаҳримизнинг ўн битта райони ўзича ранг-баранг байрам тараддудини кўрмоқда. Эрта-индин бу районларнинг махсус безатилган жарчи машиналари кўчама-кўча юриб, барчани Наврўз сайлига таклиф қилади. Шаҳримизнинг мавжуд театр коллективлари ўзларининг дарвозалари қаршисида томошалар ташкил қиладилар. Жумладан, «Ёш гвардия» театри ўша куни «Фармонбиби аразлади» спектакли билан қатнашади. Улар яна труппаларга бўлиниб, Октябрь районининг маҳаллаларида томоша кўрсатишади. Энг асосий томоша эса Халқлар дўстлиги майдонида уюштирилади. Унда нафақат ўзбек санъаткорлари, балки рус, корейс, қрим татар, уйғур, қозоқ миллатларининг вакиллари ҳам ўз томошалари билан иштирок этадилар. Яна бир характерли томони, улар ўз таомлари билан ҳам барчани ҳушнуд этишади.

**— Демак, санъаткорлар байрам базмини қиздирсалар, умумий овқатланиш бошқармалари белни маҳкам боғлаб хизмат қилар экан-да. Лекин бу фақат маданият ва савдо бошқармаларининг гарданига оғирлик қилмасмикан? Ахир бошқа корхона, ташкилотлар ҳам томошабин бўлиб туришмаса керак?**

— Албатта, булар бир-бирига жуда боғлиқ. Байрам умумхалқ тантанаси бўлгач, унга барча баробар улуш қўшади. Кўча-кўйлар, ариқ-зовурлар тозаланиб, байрамга тахт бўлиб туриши керак. Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси бу ишни уддалашни кўзламоқда. Маҳаллий саноат, енгил саноат, автомобиль нозирликлари ҳам қўл қовуштириб турмайдилар. Масалан, ўша кунгача заргарлик буюмлари заводи икки хил кўкрак нишони, «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикаси «Бойчечак» ширинлиги, «Шарқ инъоми» конфети билан байрамни қарши олади. Бундай мисолларни барча ишлаб чиқариш корхоналари, бутун муассаса, меҳнат коллективларининг тайёргарлик фаолиятида кўриш мумкин...

Суҳбатдош Феруза ҲУСАНОВА.



⊙ «ЧАППАР УРИБ ГУЛЛАГАН БОҒДА, ХАНДОН КУЛДИ ГУЛУ ЛОЛАЛАР!». С. Маҳкамов сурат лавҳаси.

Йўлдош МУҚИМОВ

## МИНГ МАРЖОН

Наврўз ҳақида ўйлар



**⊙ Халқимиз маънавий маданиятининг илдизлари қадимий қўлёзма, илмий ва афсонавий манбалар сарчашмасидан ғоя олади. Ёзувчи ва журналист Йўлдош Муқимов ана шу маънавий хазинамиздаги дурдоналарни йиғиб «Минг маржон» асарини яратди. Бугундан эътиборан рўзномамизнинг уч сонида шу рисоланинг «Наврўз ва аямажуз» бобидан парчалар ёритамиз.**

ҚИШ аёзлари ўтиб, ҳаво исий бошлагач, қишлоқ аҳли жонланиб қоларди. Сандал бурчакларини, ҳовли-жойлар ичини тартибга солишга, супуриб-сидиришга, ёмғиру қордан қолган лой, хасхашак ва бошқа чиқиндилардан тозалашга киришардилар. Болалар ҳам бу юмушларни бажаришда катталарга ёрдам берардилар.

Биз учун бу кезларда исмалоқ, момоқаймоқ, ялпиз теришдан севимлироқ иш йўқ эди. Кечқурунлари бутун қишлоқ узра хушбўй кўкат-сомса ҳиди таралиб кетарди. Ҳай-ҳай, бай-бай! Бундан ҳам мазалироқ, бундан ҳам лаззатлироқ оқ, фасл бўлмаса керак. Кўклам — олам гуллайди, одам яшнайди!

Уйда ҳам кўм-кўк майса ўстирардик. Илма-тешик тахта устига буғдой уруғи ёйилиб, сув севалаб турилади. Тез орада уруғдан оқиш-сарғиш бўлиб, игнадек қилтирик майса ниш уриб чиқарди ва бир неча кунда барра-барра бўлиб дириллаб, кўм-кўк тус оларди. Ана шундай майсаларнинг бирикиб-чатишиб кетган илдизлари бир-биридан ажратилиб, тупламини қувонтирар, ейишга кўзингиз қиймасди.

Дастурхонни улкан қилиб ёпилган патир нонлар ва турли хил рангларга бўялган тухумлар ҳам безарди. Каттакон ва чуқур сопол товоқдаги тиниқ сув юзида кўкатлар ёки эндигина сабз урган тол, тут ва бошқа дарахт барглари зумраддай товланиб турарди.

Булар ҳаммаси кўклам элчиси, кириб келаётган баҳор даракчиси деб шундай қилинарди ва имконияти бўлса етти хил доп — буғдой, арпа, нўхат, жўхори, биринж, мош, ловия, иложи топилмаса фақат жўхорининг ўзи янчилиб, қозон тўлдириб гўжа пиширилади.

Қишлоғимизга қачонлардир Эрондан келиб, шу ерда ўтроқ бўлиб қолиб кетган аҳоли оилаларида «Ҳафтисин» деган таом ҳам пиширилади. Масаллиқлар номи «С» ҳарфи билан бошланарди: сабз, яъни кўк ўт — майса, сир — саримсоқ пиёз, сердона — сўмоқ (нонга сепиладиган гул уруғи); себ — олма, сирко; санжида — жийда; сипанд (ҳазорсинанд, исирик)...

Эроний ҳамсояларимиз ўз тилларини эсдан чиқариб, фақат ўзбек тилида сўзлашадиган бўлиб кетганликларига қарамай, қадим ота-боболар урф-одатини унутмаган, унга риоя қилар эдилар.

Ҳафтисин тайёр бўлгач, уйларига қўшниларни чақиришар, қўшиқ айтиб, ўйин-кулги қилишарди. Бироқ у қўшиқлардан кўпини эслай олмайман. Аммо ҳафтисинга атаб ўз бувим — Нурмомо тўқиб айтган байтларнинг баъзи бирлари ҳеч хотирамдан чиқмайди:

**Пишиб қолди Ҳафтисин**
**Хоҳлаганлар тез келсин!**
**Сумалакми, самбўса**
**Чопинг, бариси текин...**

Оиламизда ўзбек-тожик халқ урф-одатлари қўшилиб, омухта бўлиб кетганди. Ана шу урф-одатларга кўра, турли-туман ноз-неъматларга тўла, атрофида оиланинг барча аъзолари ўтирадиган катта дастурхон, шунингдек, тошиб қопқоғидан ҳам ошиб қайнаган қозон келгуси мўл-кўлчилик, фаровонлик, бахтли ҳаётнинг янги йил бўсағасидаги тимсоли ҳисобланарди. Кўкат ейиш даврига сумалак сайли уланиб кетарди. Эсдан ҳеч чиқмайди ўша бахтиёр, беғубор онлар, ўша ёруғ, қувноқ замонлар!..

Ҳовли ўртасида чарсиллаб, алангаланиб гулхан ёнади. Қошига ўсма қўйиб, ясанган-тусанган қизлар ва оқ бўз яктак ва беқасам тўн кийган ялангтўш йигитлар унинг теварак-атрофида ҳалқа шаклида давра қуриб ўйнашади, лапар айтишади:

ЙИГИТЛАР:
**Қизлар зулфи камалак,**
**Белларида жамалак,**
**Кўриб кўзинг қамашар**
**Фариштами, ё малак.**
БИРГА:
**Учиб келади лайлак,**
**Кўчиб келади лайлак.**
**Эриштими ерда ях,**
**Тугаптими яхмалак...**
ҚИЗЛАР:
**Арғимчоғу, арғимчоқ,**
**Тортиб келдим ёвурчоқ.**
**Наврўз куни меҳмон кўп**
**Нон ёпайлик қирқ қучоқ.**
ЙИГИТЛАР:
**Арғимчоғу, арғимчоқ,**
**Қизларимиз кўзмуйчоқ.**
**Олов бўлиб ёнишур,**
**Ҳаддинг сиғса, олиб боқ!**
ҚИЗЛАР:
**Арғимчоғу арғимчоқ,**
**Арғимчоғим ўйинчоқ,**
**Арғимчоқни тебратмас,**
**Йигитлар ёлқов, чарчоқ...**
БИРГА:
**Арғимчоғу, арғимчоқ,**
**Ҳалқа узилса чатоқ.**
**Сафимиз бузилмасин,**
**Қўлингни бергил, ўртоқ!**

Биз, ўғил болалар эса даладан ўтин йиғиб келиб ёки кунда-тўнка ёриб сумалак пиширилаётган қозон тагига, каттакон ўчоққа ўтин қалаймиз. Олов ўчиб қолмасин, сумалак тезроқ пишсин, дейміз.

(Давоми бор).

## ШАРҚ ҚУЁШИ

Бухоронинг кўчаларини,
Илк ёритгач бир парча
қуёш.
Камбағаллар гўшаларини,
Обод этган бари қари-ёш.
Ўша Қуёш,
тобора иссиқ.
Порлаб қолди бошлар
устида.
Халқ интилди,
Нурга талпиниб,
Катта йўлга тушиш
қасдида...
Шарқ Қуёши
Кўрмайин завол,
Узоқ йиллар элга бўлди
бош.
Ўз зиёсин таратди дарҳол
Иқбол топди,
Йўқсил — қайғудош...
Ўша Қуёш Файзулло
Ҳўжа,
Кўксин этган халқ учун
қалқон.
Амирдан кўп ундириб
ўлжа,
Очлар учун инъом этган
нон.
Ҳамон шундан ота-
боболар,
Унинг номин асло
унутмас.
Бундай зотлар — оftоб
аталар,
Қуёш эса мангуга
ботмас!

Шамси ОДИЛ.

## Маданият саройида

⊙ Тўқимачилар маданият саройи майдончасида Наврўзга бағишланган байрам ўтказилди. Фрунзе районидаги мактаб ўқувчилари ўзлари тайёрлаган миллий таомларини сотувга чиқардилар. Маданият саройидаги «Лола» болалар ансамбли эса Фрунзе район пионерлар саройи ўқувчилари билан биргаликда тайёргарлик концерт программаларини намойиш этдилар.

Ортиқ ЮСУПОВ.

## Мусиқавий кеча

⊙ Ҳамза районининг Янгиобод даҳасидаги «Гулистон» маҳалласи аҳли ҳам бахт ва баҳор байрами бўлган Наврўзни одамлар эсида узоқ вақт сақланиб қоладиган тадбир сифатида нишонлашга пухта ҳозирлик кўрди. Бугун маҳаллада 67-мактаб ўқувчилари билан ҳамкорликда адабий-мусиқавий кеча ўтказилади. Унда маҳалла кексаларию мактабда таълим олаётган ёшлар дўстлик ҳақида, меҳр-мурувват ва садоқат ҳақида, муҳаббат ҳақида дил сўзларини изҳор этиб кеча файзига файз киритадилар.

Собир БОТИРОВ.

## НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

**Ҳамшаҳарларимиз ва меҳмонларни Наврўз байрами кунларн қандай томошалар кутмоқда? Биз бугун ана шулар ҳақида маълумот бермоқчимиз.**

**20 МАРТ. ХАДРА МАЙДОНИ**

**⊙ ШУ КУНИ кечқурун бу ердан шаҳримизнинг барча районларига жарчилар йўл олишади.** Улар карнай ва сурнай садолари остида Наврўз байрами тантаналарига ҳамма нарса тахт эканлигидан тошкентликларни хабардор қилишади.

Шу ернинг ўзида, Тошкент давлат циркида байрам кўрсатувлари бўлади.

**21 МАРТ. ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МАЙДОНИ, КАРЛ МАРКС КЎЧАСИДАГИ ПИЁДАЛАР ЙЎЛИ, ШОИРЛАР ХИЁБОНИ**

**⊙ НАВРЎЗ байрамига бағишланган энг йирик ва асосий тадбир ва маросимлар юқорида мақолларн тилга олиб ўтилган жойларда ўтказиладн.**

Эрталабдан бошлаб тошкентликларни ва пойтахтимиз меҳмонларини карнай ва сурнайларнинг, доираларнинг ,тантанавор садолари ана шу ерга таклиф этади.

Хўш, шу куни Халқлар дўстлиги майдонида, Карл Маркс кўчасидаги пиёдалар йўлида, Навоий кўчасидаги Шоирлар хиёбонида қандай тадбирлар ўтказилади?

Бу ерда театрларнинг энг яхши ижодий жамоалари, фольклор ансамбллари, масхарабозлар, дорбозлар, аскиячилар ўз маҳоратларини намойиш этишади. Катта дошқозонларда турли ном билан аталувчи паловлар тайёрланади, ўрама, қуштили, бўғирсоқ, юпқа ва бошқа кўплаб мазали овқатлар, парварда, пашмак, новвот ва қандолат маҳсулотлари, кўк чой, қора чой, ширчой, мурчли чой, ялпизли чой, заъфаронли чойлар, турли-туман бошқа пиширик ва ширинликлар байрам дастурхонига қўйилади. Карл Маркс кўчасида қўшимча минг ўринли жой, Шоирлар хиёбони ва Халқлар дўстлиги майдонида эса 200 тадан қўшимча жой ташкил этилади.

Шу куни шаҳар савдо Бош бошқармаси кенг турдаги озиқ-овқат ва саноат моллари билан ҳам савдо ташкил этади.

Байрам кечга қадар давом этади.

**РАҚСЛАР, ҚЎРИКЛАРГА МАРҲАМАТ**

**⊙ ШУ КУНИ ҳамма жойда тошкентликлар ва шаҳримиз меҳмонларига дилрабо куй ҳамроҳ бўлади.**

— Шаҳардаги ҳамма 13 та маданият ва истироҳат боғида, — дейди Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маданият Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Л. И. Романова, — жуда катта район байрамлари ўтказилади. Жумладан, Горький номидаги боғда тошкентликларни профессионал ва ҳаваскорлик жамоалари иштирокидаги катта театрлаштирилган кўрсатув кутмоқда. Унда шаҳардаги энг яхши жамоалар — «Саодат», «Нафосат», «Гавҳар» ансамбллари, «Дилрабо» ва «Тарона» қўшиқ ва рақс халқ ансамбллари, вокал-чолғу ансамбллариннг қатнашчилари иштирок этишади.

«Ассалом, Наврўзи олам!» байрами меҳмонларини ўзбек халқ эртакларининг қаҳрамонлари — Деҳқонбобо, Баҳорой, Насриддин ва бошқалар билан учрашувлар кутмоқда.

Меҳмонлар кўнгилочар ўйинларда, кўрикларда иштирок этишлари мумкин, ўзбек шоир ва ёзувчилари билан ва маҳалла оқсоқоллари билан учрашувларда, шунингдек энг яхши миллий либос, маҳорат билан тайёрланган сумалак ва ҳалим кўриги ғолибларини аниқлашда қатнашишлари мумкин.

Куйбишев райони бўйича маданий программани ўтказишда нафақат ҳаваскорлик жамоалари, балки Тошкент Давлат маданият институти, Тошкент Давлат консерваторияси талабалари ҳам актив иштирок этадилар. Жумладан, маданият институти Наврўз байрамини «Високовольт» даҳасида бошлаб беради, Котов номидаги боғда дорбозлар ўз маҳоратларини кўрсатишади, Пушкин кўчасидаги болаларнинг Эртаклар шаҳарчасида консерватория жамоаси иштирок этади. Байрамлар районнинг ҳамма 20 та маҳалласида ўтказилади.

Байрам куни «Високовольт», 2-Шимоли-Шарқ, 2-Тошкент трактор заводи, 6-Қорасув, Ясний даҳаларида, М. Горький майдонида халқ сайиллари ўтказилади, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиладн, спорт ўйинлари ва мусобақалар бўлади, шунингдек турли хилдаги ўзбек миллий таомлари савдоси ташкил этилади.

Хуллас, азиз дўстлар, Наврўз байрами куни Сизларни кўнгилочар ажойиб томошалар кутмоқда, уларга марҳамат қилинг!

## ЁР-ЁР

Карнай-сурнай чалинди
Келин келди ёр-ёр,
Келиндан ҳам олдинроқ
Давлат келди ёр-ёр.
Келинчакнинг қадами
Қутлуғ келди ёр-ёр,
Равот, кўча эшикни
Ланг-ланг очинг ёр-ёр.
Келинчакнинг бошидан
Гуллар сочинг ёр-ёр,
Меҳрингиздан поёндоз
Айлаб ёзинг ёр-ёр.
Келинчакнинг сепи йўқ
Демангизлар ёр-ёр,
Севгисини сеп қилиб
Ола келди ёр-ёр.
Биргалашиб меҳнат қилса,
Сеп бўлади ёр-ёр,
Ота-она қадрига
Сўнг етади ёр-ёр.
Келинчакнинг юзлари
Нақш олмадан ёр-ёр,
Келишида боғидан
Уза келди ёр-ёр.
Келинчакнинг юзлари
Қирмиз лола ёр-ёр.
Ҳаё, одоб боғидан
Ўта келди ёр-ёр.
Келишида боғдан гул
Уза келди ёр-ёр,
Ёри учун гулдаста
Туза келди ёр-ёр.

Турсуной ТОЖИБОЕВА.

## МАРОҚЛИ ДАМ ОЛАСИЗ

ТОШКЕНТ вилояти касаба уюшмалари кенгаши Наврўз байрамини ўтказишга катта ҳозирлик кўрмоқда. Корхоналар, хўжаликлар ва маиший хизмат кўрсатиш идоралари ишчи ва хизматчиларнинг байрам кунларида мароқли дам олишлари учун бир қатор тадбирлар белгиланган.

Шунга кўра Наврўз байрами шу йилнинг 20 мартида М. Горький номли маданият ва истироҳат боғида эрталаб соат 10 дан бошланади. Байрам кунлари сизга энг яхши пазандалар хизмат кўрсатишади. Улар томонидан тайёрланган сумалак ва бошқа ўзбек миллий таомларидан татиб кўришингиз мумкин. Шу куни боғда энг яхши китоблар, турли анвойи гуллар ва мевали дарахт кўчатлари савдоси ташкил этилади.

Бадиий ҳаваскорлик тўгараклари-нинг қатнашчилари чиқишларини томоша қилишингиз мумкин.

Наврўз байрамига марҳабо.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

## Кўп асрлик шодиёна

**— Наврўз қачондан бошлаб оммавий халқ байрами сифатида нишонлана бошлаган!**

— «Наврўз» — форс-тожикча сўз бўлиб, нав — янги, рўз — кун, яъни янги кун маъносини билдиради. Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг қадимий, анъанавий Янги йил байрами Наврўз—қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча билан кундузнинг тенглашгани 21—22 мартга ўтиш вақтига тўғри келади. Наврўзни динга боғлашлар ҳам бўлди. Аслида ислом динининг дунёга келганига 1400 йилдан ошди. Ўрта Осиёга ислом ёйилганига 1260 йил бўляпти. Наврўзни эса 3—4 минг йилдан буён халқ байрам қилиб келади.

**— Наврўзни байрам қилмайдиган кишилар ҳам борми!**

— Тропик ва субтропик жойларда ва Африканинг жазирама нўлларида яшайдиган мусулмонлар Наврўзни байрам қилмайдилар.

**— Мучал ҳисобида йил боши қачондан бошланади!**

— Юқорида айтилгандек Наврўз 21 ёки 22 мартдан бошланади. Мучал 12 йилга тенг бўлиб, 12 жонивор номи билан аталади. Мучал йилнинг боши Сичқон, сўнгра Сигир, Йўлбарс, Қуён, Балиқ, Илон, От, Қўй, Маймун, Товуқ, Ит, Тўнғиз билан тугайди. Биринчи марта мучал 13 ёшда келади. Бунда она қорнидаги 9 ой, бир йилга қўшиб ҳисобланади.

**— Деҳқон ва чорвадорларнинг ҳам алоҳида фаслий ҳисоблари борми!**

— Бор. Бунда ҳар бир фаслнинг «чилла»си бўлади. Қиш, баҳор, ёз, куз «чилла»си мавжуд. Бизда қиш ва ёз «чилла»сига кўпроқ эътибор берилади. Қиш: Жадди, Далв, Ҳут; Баҳор: Ҳамал, Савр, Жавзо; Ёз: Саратон, Асад, Сунбула; Куз: Мезон, Ақраб, Қавс.

**— Қадимда Наврўз дастурхони қандай безалган!**

— Кисравий ва Масъудийларнинг маълумотига кўра, дастурхонга буғдой, арпа, сули, маккажўхори, нўхат унидан ёпилган нонлар, яна дастурхонга етти хил дарахт навбераданн намуна (мажнунтол, зайтун, ёнғоқ, беҳи, анор, бодом, писта қўйганлар. Яна етти хил баргга «кўпайди», «кўпайсин», «кўпаяди», «бойлик», «тинчлик», бахт», «рўшнолик» сўзлари ёзиб қўйилган. Зиёфат давомида ёниб турган шамлар қўйилиши шарт бўлган ва у шамлар зиёфат давомида ёниб турган.

Ҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ.

## КИМНИНГ ВАРРАГИ БАЛАНД УЧАДИ?



ФАСЛЛАР келиччаги — навбаҳор кексаюшнинг қалбига олам-олам қувонч олиб келади. Айниқса фарзандларимизни айтмайсизми? Авваллари улар қамиш ва сумбатлардан варрак ва қуроқлар ясашиб, уни учиришар, бундан олам-олам завқ олишар эди. Ҳозир очиғи кўпчилик фарзандларимиз варракни қандай ясашни ҳам билишмайди. Ўлкамизда бошланаётган Наврўз айёми шарофати билан шояд варрак ясовчи болаларимиз сони кўпайса, уларнинг шўх қийқириқ ва кулгилари оламни тутса...

Тошкент шаҳар комсомол комитети билан Оймўма маданият ва истироҳат боғи шу йилнинг 24—25 март кунларида Оймўма маданият ва истироҳат боғи майдонида варрак байрамини ўтказишга қарор қилди. Байрам тантаналаридан аввал, яъни 22—23 март кунлари соат 10 дан то 18 га қадар боғ дирекцияси қошида ҳакамлар ҳайъати ишлайди. Ўлар болаларимиз тайёрлаган варракларни саралаб, байрам иштирокчилари рўйхатини аниқлайдилар. Кимнинг варраги ўзининг кўркамлиги, бежирим ва қулайлиги ҳамда баланд учиши билан ҳакамлар ҳайъати ва томошабинларни ром этса шу варрак эгаларини махсус мукофотлар кутади.

Хуллас, кимнинг варраги баланд учаркин? Шу саволга жавоб олмоқчи бўлсангиз байрамга шошилинг, азиз ота-оналар, севикли болакайлар.

Собит ЕДГОРОВ.

## ҚЎШИҚ АЙТИБ, РАҚСГА ТУШИШДИ

БАҲОР байрами катталар қатори болаларга ҳам олам-олам қувонч-шодликлар келтирмоқда. Бу айёмга Киров районидаги 415-болалар боғчасида қизғин тайёргарлик кўрилдк. Тарбиячилар бир неча марта ҳашар уюштириб, теварак-атрофни тартибга келтиришди, ободончилик ишларини бажардилар.

— Муассасамизда 20 дан ортиқ миллатдаги кичкинтойлар тарбияланмоқда, — деди боғча мудираси Д. Нусратова фахр билан. — Улар жуда иноқ. Бирга ўйнаб-кулишади, қўшиқ айтишади, рақсга тушишади. Бир сўз билан айтганда, ўзларини катта оила аъзоларидек сезадилар.

Болалар ҳозиргдан меҳр-мурувват туйғуларини чуқур ҳис қилишга ўргатилмоқда. Бунда муассасани ўз оталиғига олган 22-болалар уйининг жамоаси яқиндан ёрдам бераяпти. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганидан сўнг бунга алоҳида эътибор берилаяпти. Методист М. Йўлдошева ва тарбиячи С. Бобоева машғулотларнинг самарали ўтишига эришмоқдалар. Олий ўқув юртлари битирувчиларининг бераётган беғараз ёрдами жуда қўл келаяпти. Болалар дарс ва ўйинлар пайтида ўзбек тилини осонгина ўрганиб олмоқдалар.

Яқинлашаётган қутлуғ айём муносабати билан кичкинтойлар «Салом, Наврўз!» деган мавзуда байрам программаси тайёрлашди. Улар Деҳқон бобо, Масхарабоз, Баҳор, Момоер қиёфасида маҳорат кўрсатдилар. «Қуёшли ўлка», «Булбулча», «Пахтаой», шунингдек баҳор ва дўстлик ҳақидаги қўшиқлардан ижро этиб, шодон рақсга тушишди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, келгусида таълим-тарбия ва соғломлаштириш ишлари янада яхшиланади. Ҳозир ёпиқ ҳавза қурилиши жадал давом этяпти. Ҳавза ишга тушиши билан ҳар бир кичкинтой чўмилиш ва соғломлашиш машғулоти билан шуғулланиш имкониятига эга бўлади.

Саъдулла ШОДИЕВ.

## МАЗАСИ ОҒИЗДА ҚОЛДИ

АКМАЛ Икромов районининг 23-даҳаси шу ердаги қўшни кўпгина даҳалар сингари Тошкентда рўй берган 1966 йилги кучли зилзиладан сўнг бунёд этилган. Тошкентликларга бутун мамлакат ёрдам қўлини чўзган ва кўплаб қардош қурувчилар келиб бу ерда бунёд этган уй-жойларда, болалар боғчаларида, мактабларда ҳам-шаҳарларимиз яшамоқдалар, тарбия олмоқдалар, билим чўққиларини эгалламоқдалар. Жумладан, 23-даҳа Москва остоналаридан келган бунёдкорларнинг тошкентликларга туҳфасидир. Ҳозирги пайтда бу ерда минглаб оилалар, турли миллатга мансуб бўлган кишилар аҳиллиқда, бир-бирларига меҳр-оқибат намуналарини кўрсатиб яшамоқдалар.

Даҳанинг 51-уйида истиқомат қилувчи Умрихон опа билан Жўрабой ота Сангиновлар оиласида 13 фарзандни тарбиялаб, камолга етказмоқдалар. Бу уйда 36 хонадон бўлиб, уларнинг ҳаммасида асосан кўп болали оилалар яшайди. Бу оилалар турли миллатга мансуб кишилардан иборат. Бу галги Наврўз айёмига Умрихон опа ва шу уйда истиқомат қилувчи Х. Ҳакимова, Х. Қосимова, М. Шомирзаева, М. Собировалар мазаси оғизда қоладиган сумалак тайёрлашиб, шу уйда истиқомат қилувчи қўни-қўшиниларни баҳор таоми билан сийладилар. Наврўз айёмига бағишлаб ўтказилган бу ердаги тадбир унда қатнашганларнинг ҳар бири қалбида бир олам таассурот қолдирди.

Солиҳон БОТИРОВ.



⊙ «МЕНИНГ ГАПИРАДИГАН ТҮТИЛАРИМ».
Ҳ. Шодиев сурати.

# Раҳмат, меҳри дарё одамлар

ШУ йил 12 март куни соғлиғи оғирлашиб қолган онамни кўриш учун самолётда Тошкент аэропортига келиб тушдим. Кеч соат саккиз яримлар атрофида аэропортдан таксига ўтириб, уйимга келганимда машина юкхонасидан юкларимни олибману ўриндиқдаги сумкамни унутибман. Сумкамда диссертация материаллари, ҳужжатлар, қимматбаҳо буюмларим ва пулларим қолиб кетган эди. Жуда қийин аҳволга тушиб қолдим.

Эртаси куни Тошкентдаги бир неча таксопаркларга бордим. Экспериментал ишлаб чиқариш автомобиль корхонаси директори Ф. Мамажонов, 2-автокомбинат директори ўринбосари Е. Молотков, линия назоратчиси Ж. Иброҳимов менинг ташвишимга шерик бўлишиб, қўлларидан келган ёрдамларини аямадилар. Уларнинг менга нисбатан ғамхўрликлари туфайли бироз енгиллашиб, юрагим тинчлангандек ҳолда уйга қайтдим. Уйдагилар эса мени севинч билан кутиб олишди. Мен таксопарклардa юрган пайтимда, яъни 14 март куни 64—53 ТНА машина ҳайдовчиси Исмоилов ўриндиқда қолдириб кетган сумкамни (ҳеч нарсага тегмаган ҳолда) уйга олиб келиб, ташлаб кетибди. Мен бундай саховатли кишиларнинг, бировлар ташвишини ўзининг ташвишидек ҳис этадиган кишиларнинг олижаноблигига яна бир бор қойил қолдим. Шу сабабли мен уларга ўзимнинг миннатдорчилигимни изҳор қилиб, «Раҳмат, меҳри дарё одамлар» дейман.

М. ЮНУСОВА.

## Бу—қизиқ

### БАМБУКЛАРДАН КЎПРИКЛАР

ОСИЁ мамлакатларининг тоғликларида оддий конструкцияда бамбукдан бунёд этилган осма кўприклар жуда кўп. Уларнинг ўз навбатида митти ва гигантлари бор. Кичиклари тўғрисида фикр юритиш қизиқарли эмас, улканларини ёдга олиш ўринли. Бамбукли кўприклар орасида энг узуни Хитойдаги Мин дарёси қирғоқларини бирлаштиради. Унинг узунлиги 250 метр, эни эса уч метрни ташкил этгани ҳолда ҳеч қандай металл элемент, ҳатто бир дона мих ҳам ишлатишмаган. Қолаверса, бу, бамбукли кўприклар учун одатдаги ҳол ҳисобланади.

### АЙЁР ҚУШЛАР

ГРЕЦИЯЛИК овчиларга ишонадиган бўлсак, кўчманчи қушлар ҳийла айёр бўлиб қолишган. Қушлар кузги, жануб томон учиб ўтишда Греция устидан айнан, қушларни овлашман этилган душанба кундагина ўтадилар. Шу боис овчилар ҳокимиятдан душанба ҳам ов қилишга рухсат беришини сўраб мурожаат этдилар. Ҳокимият ўз навбатида овчилар союзининг айёрлигини тушуниб, уларга рад жавобини берди.

### ГУЛДАН ТАОМЛАР

ЯПОНИЯДА хризантема гуллари баққоллик дўконларида сотилади. Нега, деб ўйларсиз. Ҳисобланишича, улар озиқ-овқатгина бўлиб қолмай, ёшлик, саломатлик ва гўзалликни сақлашда жуда фойдали экан. Бу гуллардан юзлаб ноз-неъмат турларини тайёрлаш усуллари ишлаб чиқилган. Мазахўрларнинг таъкидлашича, бу гуллардан тайёрланган таомлар жуда лаззатли эмиш.

Т. АШРАПОВ тайёрлаган.

Муҳаррир ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ. БИРИНЧИ МАРТА

19 МАРТДАН БОШЛАБ

БАҲОР БАЙРАМИ — «НАВРЎЗ»ГА БАҒИШЛАНГАН

## Фильмларнинг тематик намойишини ўтказади

НУКУС КИНОТЕАТРИДА
19-21 мартда — ЎЗБЕКИСТОН НАВОЛАРИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ССР 25 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИДА
19-21 мартда — ОИЛА.

ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
19-21 мартда — УНУТИЛГАН ҚЎШИҚ.

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА
19-21 мартда — МАҲАЛЛА.

«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА
19-21 мартда — БИР ОҚШОМ — БУТУН УМР.

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА
19-21 мартда — КЎПКАРИ — ЭРКАКЛАР УЙИНИ.

Кинофильмларни ижарага бериш Тошкент шаҳар идораси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

---

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ МАДАНИЯТ САРОЙИДА

27, 29, 31 МАРТ, 3, 5 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ СОАТ 17 ВА 19.00 ДА

ЭКСТРАСЕНС
АБДУРАФИ ҒАФУРОВнинг

СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Сеанслар КАШПИРОВСКИЙ усули бўйича олиб борилади.

Абонементлар Тошкент Давлат университетининг Маданият саройида сотилмоқда.

Қўнимгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДУ Маданият саройи. Телефон 46-39-55.

---

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТЕАТРИ

«ҚИЗИҚЧИ» СТУДИЯСИ

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ БИНОСИДА

26 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

## «УМИДЛИ ЁШЛАР»

КУЛГИ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

«ҚИЗИҚЧИ-89» конкурси дипломанти: ТУҒҒУН САЪДУЛЛАЕВ.

«ҚИЗИҚЧИ-89» конкурси иштирокчиси, Ўзбекистон телевидениеси «3 СТУДИЯ» таъсис этган мукофот совриндори: АВАЗЖОН ТОЛИБЖОНОВ.

Бадиий сўз усталари: ШУКУРИЛЛО МАҲКАМОВ, ҚОБИЛЖОН АБДУЛЛАЕВ.

Кечада лирик хонандалар МИРСАИД ИСҲОҚОВ, ШУҲРАТ АБДУЛЛАЕВЛАР ўзларининг севги-муҳаббат, гўзаллик ҳақидаги қўшиқларини баҳшида этадилар.

Кечани «ҚИЗИҚЧИ-89» конкурси дипломанти ОЛИМ ЮНУСОВ олиб боради.

Студия бадиий раҳбари—ШУКУРИЛЛО МАҲКАМОВ.

Чипталар «ЁШ ГВАРДИЯ» театри биносида сотилмоқда.

---

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

## ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ОИЛАЛАРНИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ СОВХОЗЛАРИ ВА КОЛХОЗЛАРИГА

## ТАШКИЛИЙ РАВИШДА КЎЧИРАДИ

РЯЗАНЬ ВИЛОЯТИГА — 6 АПРЕЛДА;
КАЛИНИН ВИЛОЯТИГА — 20 АПРЕЛЬ ВА 14 СЕНТЯБРДА;
КОСТРОМА ВИЛОЯТИГА — 1 ИЮНДА;
НОВГОРОД ВИЛОЯТИГА — 14 СЕНТЯБРДА.

Кўчиб бориш учун қарамоғида меҳнатга яроқли камида икки аъзоси: 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган эркаклар, 16 ёшдан 50 ёшгача бўлган аёллар — саломатлиги жиҳатдан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат қилишга лаёқатли оилаларгина расмийлаштирилади.

Кўчиб борувчилар белгиланган ерга етиб келишлари билан уларга алоҳида уй ёки квартира, ҳовли қурилишлари бўлган томорқа участкаси берилади.

Кўчиб борган оилалар икки йил мобайнида қишлоқ хўжалиги солиғи ва квартира ҳақи тўлашдан озод қилинадилар.

РСФСРнинг Ноқоратупроқ вилоятларига жўнаб кетаётган кишиларнинг аввалги яшаб турган еридаги уй-жой майдони икки йил муҳлатга бронлаштирилади.

Маълумотлар олиш ва шартномалар тузиш юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.

---

# АССАЛОМ, «НАВРЎЗ»—БАҲОР БАЙРАМИ!

**21 МАРТ КУНИ БИЗ БАҲОРНИНГ КЕЛИШИНИ ЯНА БИР БОР КУТИБ ОЛАМИЗ, ҚАДИМГИ ЙИЛ ҲИСОБИГА КЎРА, БАҲОРГИ ТЕНГКУНЛИК ХУДДИ ШУ КУНГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ. БИР КУН АВВАЛ, ЯЪНИ 20 МАРТ КУНИ ОҚШОМДА ЖАРЧИЛАР ҚАРНАЙ ВА СУРНАЙ САДОЛАРИ ОСТИДА ТОШКЕНТЛИКЛАРНИ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИ ЯНГИЛАНИШ ВА ЯРАТУВЧИЛИК БАЙРАМИ — «НАВРЎЗ»ГА ЧОРЛАЙДИ.**



Байрам қаерда ўтади? Унинг чегараси йўқ: маҳаллаларда ва мавзеларда, майдонлар ва ҳиёбонларда, боғларда ва бевосита кўчаларда ҳаваскор ва профессионал артистлар, эпчил ва чаққон, довюрак дорбозлар, қувноқ ва топқир масхарабозлар, миллий кураш усталари бўлмиш полвонлар, ҳазил усталари, аскиячилар ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Байрам уч ерда: В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги майдонида, анъанавий халқ сайиллари ўтадиган — Карл Маркс кўчасининг пиёдалар зонасида, Навоий номидаги Шеърият боғида айниқса кенг нишонланади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг умумий овқатланиш Бош бошқармаси байрам меҳмонларини мазали таомлар билан сийлаш, павильонлар, қаҳвахона ва чойхоналарни чиройли безатиш тадоригини кўриб қўйди. Дам олувчиларни ғоятда тотли қадимги миллий таомлар кутади. Уларни тайёрлаш усуллари ва сирларини умумий овқатланиш корхоналарининг пазандалари авайлаб-асраб келмоқдалар. Шийпонларда ва миллий чойхоналарда беданаларнинг «пит-пилдиғи»ни эшитиб, аччиқ хушбўй чой ичишингиз мумкин. Чой билан бирга миллий ширинликларни — пашмакларни, парварда, новвот, ҳолвани, турли пиширикларни — ўрама, қуштили, қатлама, гўшт сомса ва кўк сомсани тавсия этишади.

Палов мухлисларини ажойиб совға кутади — энг моҳир пазанда ошпазлар думбали, беҳили, товуқли, хоразмча, андижонча, самарқандча — ҳаммаси бўлиб 15 хилдан зиёд палов дамлайдилар... Албатта, ҳамма байрамнинг анъанавий таомини — баҳор келишини ифодаловчи сумалакни татиб кўради. Уни кекса, тажрибали пазандалар қадимги таомилларга амал қилиб тайёрлайдилар. Агар ошхоналар трести ва Тошкент ресторанлар трести ташкил этадиган савдо-кўргазмаларидан пазандалик ва қандолатчилик маҳсулотларини, пиширикларни харид қилсангиз, байрамни уйда давом эттирсангиз ҳам бўлади. Маҳсулотларни ошпазлар ва ширинпазларнинг ўзлари тавсия этишади.

Биз сизни байрамга оила аъзоларингиз билан бирга таклиф қиламиз. Байрам сизга олам-олам қувонч бағишлайди, узоқ вақт ёқимли хотира бўлиб қолади.

Қарнай ва сурнайларнинг садоси беданаларнинг сайраши, пазандалар ва қандолатчиларнинг, сотувчиларнинг миллий кийимлари, шийпонлар ва чойхоналарни безайдиган ёрқин хонатласлар, сўзаналар ва кўрпачалар, самимий табрик сўзлари ва табассум — буларнинг ҳаммаси шодиёна байрам кайфиятини, ўзбек халқининг катта миллий байрами муҳитини ҳосил қилади.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ.**

---

# Ўзбекистонда ясалган



Жумҳуриятимиз енгил ва маҳаллий саноатининг 25 дан зиёд корхонаси
МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНДА 20—24 МАРТ КУНЛАРИ ЎТАДИГАН КОМПЛЕКС САВДО-КЎРГАЗМАСИДА ЎЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТАДИ.
ЭЪТИБОРИНГИЗГА ТУРЛИ-ТУМАН МАҲСУЛОТЛАР ҲАВОЛА ЭТИЛАДИ

Агар ўзингиз чеварлик қиладиган бўлсангиз ёрқин бўёқли турфа гулли ип газлама ва шойи газламаларни танлашингиз мумкин.

Тайёр кийимни маъқул кўрадиганларга турли бичимдаги модали кўйлакларни, Тошкент трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг трикотаж буюмларини, костюмларини, кўйлак ва шимларини ҳамда куртка ва плашчларни таклиф қиламиз.

Янги либосга мослаб сумка харид қилишни ҳам унутманг.

Савдо-кўргазмада пойабзал билан боғлиқ муаммони ҳам ҳал этса бўлади. Шу ердан кундалик ва байрам кунлари кийиладиган туфлиларни, уйда кийиладиган енгил ва қулай пойабзалларни харид қилишингиз мумкин.

Упа-элик билан савдо қиладиган бўлимга бир кириб ўтинг. Бўлим Тошкентдаги «Лола» фабрикасининг янги маҳсулотларини олган.

Баҳор келиши билан кўпчиликда ўз ҳаётида қандайдир ўзгариш ясаш истаги пайдо бўлади. Уй жиҳозларига баҳорнинг ўзига хос белгиларини киритгингиз келади. Ҳатто арзимаган бир жиҳоз хонанинг безатилиш услубини ўзгартириб юбориши бошқача кайфият ҳосил қилиши сир эмас. Эҳтимол бу қип-қизил лолалар солинган чиройли сопол гулдонлар, эҳтимол деворга осилган гулли лагандир...

Айтмоқчи, сопол буюмлар баҳор байрами — Наврўзга ажойиб совға бўлиши мумкин. Совға сифатида шунингдек эсдалик ёки зардўзи буюмларни харид қилса бўлади.

Савдо-кўргазмага ана шу буюмларнинг турли-туманини тақдим этилади.

Ўзингизга манзур буюмларни харид қилинг.

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН СОАТ 9 ДАН 20 ГАЧА ИШЛАЙДИ, ДАМ ОЛИШ КУНИ — ЯКШАНБА.

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИН.

---

20—21 МАРТ КУНЛАРИ
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИНГ БАҲОР БАЙРАМИ — НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНГАН ТЕМАТИК НАМОЙИШИ ЎТКАЗИЛАДИ.

САНЪАТ САРОЙИДА
МАЙСАРАНИНГ ИШИ (ўзбек тилида).
М. ШАЙХЗОДА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
МАЙСАРАНИНГ ИШИ (ўзбек тилида).
К. ЕРМАТОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
МАЙСАРАНИНГ ИШИ (ўзбек тилида).
С. РАҲИМОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
НАСРИДДИННИНГ САРГУЗАШТЛАРИ.
Ғ. ҒУЛОМ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
ГУРИЯ.
ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
ВОДИЛЛИК ҚЕЛИН.
ВЛКСМ 30 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
СЕВИШГАНЛАР.
ҲАМЗА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
ҚЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ.
«ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА
АЛВИДО, ҒЎР ЁШЛИГИМ (ўзбек тилида).
«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА
АРМОН (ўзбек тилида).
«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА
ҚАРАХТЛИК (ўзбек тилида).
ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
МАЙСАРАНИНГ ИШИ (ўзбек тилида).

КИНОФИЛЬМЛАРНИ ПРОКАТГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ.

---

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

29, 30 МАРТ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА

## «БАҲОР ҲАЁЛОТИ»

КОНЦЕРТЛАРИ

ОЛЕГ ВА РОДИОН ГАЗМАНОВЛАР
ВА
НАТАША ПУШКОВАЛАР

Ўзларининг «Люся», «Трубочист», «Маугли», «Светлячок», «Эскадрон», «Моя девчонка» қўшиқларини ижро этишади.

Касса соат 11 дан бошлаб 19.00 гача очиқ.
Маълумотлар олиш учун телефон — 45-92-13.

---

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

27, 28 АПРЕЛЬ СОАТ 19.30 ДА

## «БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг солисти

НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ КОНЦЕРТИ

Программани ЎТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.

Чипталар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан бошлаб сотилади.

---

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/III да **Майсаранинг иши**, 21/III да **Тўмарис.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/III да **Мирзо Улуғбек**, 21/III да **Нажот истаб.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/III да **Табассум оқшоми** (билетлар сотилган), 21/III да **Гул ва Наврўз.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/III да **Келинлар қўзғолони** (19.00).

## КИНО

19 МАРТДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

**Санъат саройи** — «САҲРО СИРЛАРИ» (катта зал, 18.30, 20.45), «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (кичик зал, 17, 19,30, ўзбек тилида).

**Чайка** — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (18,30, 21.00).

**Москва** — «КОИНОТДАГИ ХАЗИНАЛАР ОРОЛИ» (18.20, 20.45).

**Восток** — «ОҚСУЯК» (17.30, 21.00).

**Тошкент Советининг 50 йиллиги** — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (18.30), «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (21.00 да, ўзбек тилида).

**Узбекистон ССР 25 йиллиги** — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (18,30, 21.00).

**К. Ерматов номли** — «ЖАНОВ ҲИНДИСТОН» (18.30, 21.00).

20, 21, 22 МАРТДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

**Санъат саройи** — «САҲРО СИРЛАРИ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (кичик зал, 12, 14, 17, 19,30, ўзбек тилида).

**Чайка** — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

**Москва** — «КОИНОТДАГИ ХАЗИНАЛАР ОРОЛИ» (11, 13.30, 16, 18.20, 20.45).

**Восток** — «ОҚСУЯК»» (11, 14.20, 17,30, 21.00).

**Тошкент Советининг 50 йиллиги** — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (11, 13.30, 16, 18.30), «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» (21.00 да, ўзбек тилида).

**Узбекистон ССР 25 йиллиги** — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

**К. Ерматов номли** — «ЖАНОВ ҲИНДИСТОН» (11, 14.30, 16, 18.30, 21.00).

---

Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги 200-ўрта мактаб томонидан **Умарова Дилфуза Алижоновна** номига берилган 974185 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Киров районидаги 58-кечки ўрта мактаб томонидан **Ҳасанов Ҳаётилла Ўринбоевич** номига берилган Б 617517 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Октябрь районидаги 468-болалар боғчаси касаба уюшмаси комитетининг йўқолган ДУМАЛОҚ МУҲРИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Киров районидаги 96-ўрта мактаб томонидан **Алимов Зуҳриддин Нигматович** номига берилган 740064 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Собир Раҳимов район халқ таълими бўлими, район касаба уюшмаси ташкилоти Собир Раҳимов районидаги 24-мактабнинг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари **Файзулло РАСУЛЕВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Октябрь район ошхоналар трести жамоаси 12-ошхона мудири Б. Муҳамедовга онаси **Маҳбуба МУҲАМЕДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узкультторг» Тошкент вилоятлараро улгуржи савдо базаси жамоаси база ходими **Александр Сапарович БОБОЖОНОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 03168
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.


*«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.*